



**"ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ ВА
ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ "**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 311 -гуруҳ
курсанти **Каримов Нурбек Азимжон ўгли***

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар
ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Ниматов Шерзод Ниматжонович*

Аннотация: Мақолада профилактика инспекторларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш борасидаги фаолияти таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларида кузатилаётган муаммолар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда профилактика ишларини такомиллаштириш йўллари ёритилган. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун, шунингдек Президентнинг ПФ–5005-сон Фармони ва ПҚ–3126-сон Қарорининг аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, фуқаролар билан профилактик ва тушунтириш суҳбатлари ўтказиш, маҳалла ва давлат органлари билан ҳамкорликда ишлаш бўйича вазифалари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боглиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223 ва 223¹-моддалари мазмуни, шунингдек уларнинг профилактикадаги аҳамияти ёритилган. Мақолада паспорт тизимини рақамлаштириш, ID-карталар жорий этилиши ва электрон хизматлар орқали ҳужжатлаштириш жараёнини соддалаштириш



орқали ҳуқуқбузарликлар сонини қисқартириш имкониятлари баён этилган. Тадқиқотда профилактика инспекторлари фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, уларнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари билан ҳамкорлик механизмлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, якка ва виктимологик турлари амалий мисоллар асосида очиб берилган, Тадқиқотда рақамли технологиялардан фойдаланиш, электрон ҳужжатлаштириш тизимини жорий этиш, ID-карталар орқали фуқароликни тасдиқлаш ва профилактик тадбирларни самарали ташиқл этиш йўллари кўрсатилган. Хулоса қилиб айтганда, мақолада паспорт тизими қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини такомиллаштириш — фақат маъмурий жазо чораларини қўллаш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва масъулиятини ошириш, давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, паспорт тизими, фуқаролик, миграция, Ички ишлар органлари, маъмурий жавобгарлик, ID-карта, электрон ҳужжатлаштириш, виктимологик профилактика, жамоат хавфсизлиги, давлат назорати.

Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонларидан бирида таъкидлаганидек: "Ҳар бир инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши самарали чоралар кўриш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш — давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида



устувор вазифалардан бирига айланди¹. Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди².

Ҳар қандай мамлакат ҳудудида яшовчи аҳоли муайян даражада ўзининг шу давлатга мансублигини, унинг ишончли ҳимояси остидаэканлигини ҳис этиши лозим. Мазкур ҳолат шахсга ўз субъектив ҳуқуқ ваэркинликларидан тўсиқларсиз фойдаланиш имконини бериши билан бирга, муайян даражадаги мажбуриятларни ҳам юклайди. Бугунги кунда глобаллашув таъсири остида мамлакатлар ўртасидаги интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши ҳамда халқаро муносабатларнинг жадаллашиши оқибатида **шахс ҳуқуқий мақоми (ҳолати), шунингдек фуқаролик**ни белгилаш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва уни қўллаш жараёнида кузатилаётган муаммо ҳамда камчиликларнинг илмий асосланган ечимларини топиш масалалари ҳам миллий ҳуқуқ, ҳам халқаро ҳуқуқнинг кундалик объектига айланган.

Миллий қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти натижалари таҳлиликуйидаги омилларнинг келгусида Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда фуқаролик билан боғлиқ муаммоли вазиятларгасабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда: **биринчидан**, глобаллашув жараёнлари таъсири остида давлатлараро муносабатларда “фуқаро” омилиаҳамиятининг ортиб бораётганлиги; **иккинчидан**, миллий қонунчилигимизда фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир механизмларининг назарда тутилмаганлиги; **учинчидан**, фуқаролик мақомини аниқлаштириш билан боғлиқ муҳокамаливазиятларнинг вужудга келиши шахсни давлат ташқарисида ҳуқуқий ҳимояқилиш ва ҳомийлик кўрсатишни кафолатлашга имкон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>)

² Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ // ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.



бермаслиги;*тўртинчидан*, фуқаролар томонидан тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилиши давлатлараро алоқаларнинг ¹⁸ кескинлашишига сабаб бўлаётганлиги, уларнинг сиёсий майдондаги “имижи”га салбий таъсир кўрсатаётганлиги. “Фуқаро” тушунчаси эса, ҳуқуқий мақоми бўйича алоҳида тоифадаги (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан шахсий устунлик берилувчи) шахсларнинг давлат ва жамиятдаги муайян мавқеини (ҳолатини) назарда тутати. Юқоридагиларга асосланиб, назаримизда, “шахс” атамасидан юридик соҳада аҳолининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш нуқтаи назаридан фойдаланиш мумкин бўлади³.

Паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистонда аҳамиятли масала бўлиб, уларнинг олдини олиш ва жавобгарликни ошириш мақсадида қатор чоралар кўрилмақда. Жарималар миқдорининг ўзгариши ва қоидаларнинг аниқлаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, шунингдек, давлат органларининг назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

2025 йил 11 июлда қабул қилинган янги қонунга кўра, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун белгиланган жарималар миқдори юмшатилади ва аниқлаштирилди. Масалан, паспорт ёки ID-картасиз яшаш ёки уларнинг муддати тугаган ҳолда яшаш учун жарима миқдори 1,125 миллион сўмгача бўлиши мумкин. Агар ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрорланса, жарима миқдори 1,875 миллион сўмгача ошиши мумкин. Шунингдек, паспорт ёки ID-картани йўқотиш ёки яроқсизлантириш учун жарима миқдори 375 минг сўмдан 1,875 миллион сўмгача белгиланган⁴. Паспорт ёки ID-картани йўқотиш ҳолатида, шахс қайтадан ҳужжатни олиш учун тегишли органларга мурожаат

³ Юлдашев Ж. Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. – Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган ДИССЕРТАЦИЯ-Тошкент 2022 й. 17-64 б.

⁴https://www.kun.uz/kr/news/2025/07/14/pasport-qoidalarini-buzganlik-uchun-jarimalar-miqdori-ozgardi?utm_source=chatgpt.com



қилиши керак. Агар ҳужжат йўқотилса, жарима миқдори 375 минг сўмдан 1,875 миллион сўмгача бўлиши мумкин⁵.

Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди⁶ Ўзбекистонда паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар долзарб масала бўлиб, уларнинг олдини олиш ва жавобгарликни ошириш мақсадида қатор чоралар кўрилмоқда. Жарималар миқдорининг ўзгариши ва қоидаларнинг аниқлаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, шунингдек, давлат органларининг назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистонда паспорт тизими қоидаларини бузишнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларни камайитириш мақсадида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2025 йилда Президентнинг қарорига асосан, ички ишлар органлари таркибида меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган миграцион профилактика бўлинмалари ташкил этилди. Бу бўлинмалар маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари ўтказиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга йўналтирилган. Шунингдек, маҳалла профилактика инспекторлари томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённомалар тузиш ва маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланган шахсларни махсус қабулхоналарга олиб бориш вазифалари юклатилди⁷. Шунингдек Ўзбекистонда паспорт хизматлари кўрсатишнинг электрон тизими жорий этилди. Бу тизим фуқароларни паспорт тизими ва миграция ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида қабул қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш

⁵https://www.kun.uz/kr/news/2025/07/14/pasport-qoidalarini-buzganlik-uchun-jarimalar-miqdori-ozgardi?utm_source=chatgpt.com

⁶ Маматов Ш. И. Ў. ТОВАРЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРИНГ ЎРНИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 143-146.

⁷ https://kun.uz/kr/news/2025/01/24/migratsion-profilaktika-bolinmalari-tashkil-etilmoqda?utm_source=chatgpt.com



жараёнини соддалаштиришга қаратилган. Янги тизим биометрлик ҳужжатларни бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинчалик прописка олиш, яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш жараёнини соддалаштиради⁸, маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирлар маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилайди. Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади: ишсиз шахслар, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларига қарам бўлган шахслар, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар ва бошқалар⁹

Ўзбекистон Республикасининг фуқароликнинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги қонуни ва паспорт-виза тизимини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар ички ишлар органлари вазифалари қаторида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ва миграция ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари ўртасидаги ҳамкорлик ушбу мақсадга эришишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси¹⁰да «Паспорт тизими қоидаларини бузиш» 223-моддаси белгиланган. Унда Паспорт ёки ID-картасиз яшаш, яроқсиз ҳужжат билан яшаш, рўйхатдан ўтмаслик, ҳужжатларни йўқотиш ёки яроқсизлантириш каби ҳуқуқбузарликлар учун жарималар белгиланган, бир йил ичида такрор ҳуқуқбузарлик учун жарималар миқдори оширилган, жавобгарликка тортишдаги истиснолар (болалар, катта ёшдагилар, жабрланганлар, суд жараёнидаги шахслар ва ҳ.к.) назарда тутилган. Мазкур модданинг ҳуқуқбузарликлар профилактикадаги аҳамияти Ҳужжатларни ўз вақтида

⁸ https://kun.uz/kr/20948768?utm_source=chatgpt.com

⁹ https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mahallalarda_ijtimoiy_profilaktika_tadbirlari_utkaziladi?utm_source=chatgpt.com

¹⁰ <https://lex.uz/docs/97664#200975>



алмаштириш ва расмийлаштиришга ижтимоий эҳтиёжни оширади. Қонуннинг жорий қилиниши шахсларни ўз ҳужжатларини назоратда ушлашга ундайди. Яроқсиз ёки йўқолган ҳужжатлардан фойдаланишни камайтиради, бу эса шахсни идентификациялаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини кучайтиради. Рўйхатдан ўтиш қоидаларини бажаришни таъминлайди, бу давлат ва маҳаллий органларга аҳоли ҳолати ҳақида аниқ маълумот олиш имконини беради. Такрор ҳуқуқбузарликлар учун жазоларни кучайтириш орқали шахсларнинг қонунга риоя қилишини рағбатлантиради. Ҳуқуқбузарликка жавобгар шахсларни аниқлашда ва назоратда тўғри йўлга солади. 223¹-модда(Паспортдан ёки идентификацияловчи ID-картадан ғайриқонуний равишда фойдаланиш)да ўқолганлиги тўғрисида ариза берилган ҳужжатлар ёки бошқа шахсларга тегишли ҳужжатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун катта миқдорда жарима белгиланган. Модданинг аҳамияти фирибгарлик ва шахсиятни сохта кўрсатиш ҳолатларининг олдини олиш. Бу модда шахсларнинг ҳужжатларини ноқонуний фойдаланишни чеклашга хизмат қилади. Шундай қилиб мазкур кодекс моддалари ҳужжатсиз яшаш, яроқсиз ҳужжат билан яшаш, паспорт ва ID-карталарни нотўғри фойдаланиш, йўқотиш, сохталаштириш, гаровга олиш каби ҳуқуқбузарликларни аниқ ва қатъий жазо билан тартибга солади. Бу қоидалар ижтимоий тартибни сақлашга, шахсларнинг идентификациясини аниқлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Жазоларнинг миқдорлари ва такрор ҳуқуқбузарликлар учун жазони ошириш механизмлари шахсларни қонунга риоя қилишга ундайди. Шахсларнинг ҳуқуқий онги ва масъулиятини оширишга кўмаклашади. Давлат органлари ва масъул шахсларни ўз вазифаларини бажаришда масъулиятга тортиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга хизмат қилади. Шахсий маълумотлар ва идентификацияни ҳимоя қилишни кучайтиради, шунингдек, жиноятчиликка қарши самарали курашишга ёрдам беради. Жазо чоралари қўрқувини яратиб, ҳуқуқбузарликка қўл урилиш хавфини камайтиради.



Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” 13.03.2020 йилдаги ЎРҚ-610-сон қонуни¹¹ Ўзбекистонда фуқароликни расмийлаштириш ва тасдиқлаш жараёнларини аниқ ва қатъий тартибга солади. Бу эса паспорт тизимидаги ҳуқуқбузарликлар — сохта ҳужжатлар, нотўғри фуқаролик бериш, идентификациядаги қийинчиликлар ва миграция қоидаларининг бузилиши каби муаммоларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қонун асосида жорий этилган паспорт тизими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мустаҳкам ҳуқуқий база ва самарали бошқарувни таъминлайди.

Чунончи, фуқаролик тушунчасини аниқлаб, идентификацияловчи ID-карта орқали шахсни ва унинг фуқаролигини расмий тасдиқлашни, паспорт тизимида шахснинг ўзлигини аниқлаш ва сохталаштиришнинг олдини олишда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ID-карта)га оид муносабатларни ягона тартибга солишда, паспорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни (масалан, сохта ҳужжатлар, фуқароликни нотўғри расмийлаштириш) камайтиришда, Ўзбекистон фуқаролигининг халқаро меъёрларга мувофиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда, паспорт тизимида халқаро ҳуқуқбузарликларни, масалан, икки фуқаролик ёки паспорт сохталаштиришни олдини олишда, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет давлат фуқаролари тўғрисида аниқ тушунчалар бериб, уларнинг Ўзбекистон ҳудудида яшаши ва фуқаролик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда, паспорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни, жумладан фуқароликни нотўғри расмийлаштириш ва миграция қоидаларининг бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” 13.03.2020 йилдаги ЎРҚ-610-сон қонуни//<https://lex.uz/ru/docs/4761984#4762526>



чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони¹² ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш соҳасида ички ишлар органларининг фаолиятини тизимли ва самарали тарзда қайта ташкил қилишга, уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ролини оширишга қаратилган. Бу жамиятда барқарорлик, осойишталик ва ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Мазкур фармон ички ишлар органлари тизимини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш жараёнини самарали ташкил этиш орқали аҳоли хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур фармон билан жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактика соҳасидаги функцияларини кучайтириш, ички ишлар органларининг моддий-техника ва кадрлар салоҳиятини ошириш каби бир қанча вазифалар белгиланган. Мазкур фармон асосида “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3126-сон қарори¹³ қабул қилиниб, мазкур қарор Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, паспорт тизими қоидаларини бузилишининг олдини олиш ва миграция соҳасида ноқонуний ҳолатларга қарши курашиш, миграция соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолини паспортлаштириш, чет элга чиқиш ва кириш, фуқароликни қабул қилиш, сиёсий бошпана бериш каби жараёнларни таҳлил қилишни ва яхшилаш бўйича бир қанча йўналишлар белгиланиб, соҳадаги

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони/<https://lex.uz/docs/3159827>

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3126-сон қарори/<https://lex.uz/docs/3266578>



вазифалар аниқлаштирилган, бир сўз билан айтганда қарор миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида давлат хизматларининг сифатини ошириш, коррупцияга қарши курашиш, хизматларни электронлаштириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилиб, миграция жараёнларини янада самарали бошқариш ва аҳолига қулайликлар яратиш мақсад қилинади. Шунингдек мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланиб, бош бошқармага қуйидаги:

-миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни тизимли ва комплекс таҳлил қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

-ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг зиммаларига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш; аспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда қуйидаги:

а) миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни тизимли ва комплекс таҳлил қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш соҳасида:

-Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартибини бузишга мойил шахсларни аниқлаш, шунингдек қайтиш



гувоҳномаси (сертификати) асосида қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар йўқотиб қўйган паспорти ёки идентификацияловчи ID-карта (яшаш гувоҳномаси) ўрнига янгисини олиш учун мурожаат этганларида, улар билан профилактика суҳбатларини ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга профилактик тадбирлар ўтказиш;

б) ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

-миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этиш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш масалаларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва давлат органлари билан ўрнатилган тартибда ўзаро ахборот алмашишни ва тадбирлар ўтказишни амалга ошириш;

қидирувдаги шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва узоқ вақт яшаш жойида бўлмаган шахсларнинг паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотларини тақдим этиш орқали ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш каби функцияларни амалга ошириши белгиланган.

Профилактика инспектори — маҳаллалар, ҳудудлар даражасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини таъминлаш ва ҳуқуқий тарбия ишларини амалга оширувчи асосий шахс ҳисобланади. Унинг фаолиятида паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Қуйидаги вазифалар профилактика инспектори фаолияти билан боғлиқдир:



Паспорт тизими ва яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни назорат қилиш бўйича:

-аҳолининг доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтиши устидан назорат олиб боради;

-рўйхатдан ўтмасдан яшаб келаётган шахсларни аниқлайди;

-қонунбузарликка мойил шахсларни аниқлаб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказди;

-фуқароларга ID-карта, паспорт олиш тартибини тушунтиради, мурожаатда кўмаклашади.

Мазкур вазифалар паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асоси сифатида профилактика инспекторининг фаолиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида фуқаролар билан ишлаш бўйича:

-паспорт тизими қоидаларини бузган, масалан, паспортсиз юрган ёки рўйхатсиз яшаган шахслар билан индивидуал профилактика ишлари олиб боради;

-паспортини йўқотган шахслар билан виктимологик профилактика усулида ишлайди — уларнинг ҳимоясини таъминлашга ёрдам беради;

-чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар устидан назоратни ташкил қилади.

-давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда паспорт, ID-карта, яшаш гувоҳномаларига доир маълумот алмашинувида иштирок этади;

-қидирувдаги, бедарак йўқолган, ёки узоқ муддат яшаш жойида кўринмаган шахслар бўйича маълумотларни бошқа бўлимлар билан алмашади. Чегарадан ноқонуний ўтган ёки қайтиш гувоҳномаси билан қайтган фуқароларни аниқлаб, улар билан профилактика суҳбатлари ўтказди;



-чет элдан қайтган шахсларнинг ҳужжатлашиш жараёнида ёрдам беради, уларни назоратга олади. Хулоса қилиб айтганда профилактика инспектори паспорт тизими ва яшаш тартибига риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, унинг фаолияти юқорида келтирилган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда асосий механизм ҳисобланади, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик шакллари амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Улар қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни тез аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар сабабларини бартараф этиш мақсадида маълумотлар алмашади, ўзаро ҳамкорликни кучайтириб, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашни таъминлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги ЎРҚ-407-сон қонуни 2-моддасида таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади, 4-моддадаги йўналишлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мавжуд. Қонуннинг 11-моддасида эса ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини белгилайди. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари ана шундай ҳамкорлик субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги ЎРҚ-371-сон қонуни¹⁴да ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуасини назарда тутати. Бу профилактика турли шаклларда — умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги ЎРҚ-371-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>



профилактика сифатида амалга оширилади. Паспорт тизими фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойларини аниқлаб, давлат назоратини таъминлайди. Бу орқали ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг ҳаракати кузатилади ва умумий тартиб сақланади. Паспорт тизими фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойларини аниқлаб, давлат назоратини таъминлайди. Бу орқали ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг ҳаракати кузатилади ва умумий тартиб сақланади. Маълумотларга кўра, аввал жиноят содир этган ёки ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг паспорт ва яшаш жойи бўйича рўйхатда туриши махсус профилактиканинг бир қисми ҳисобланади. Аниқ бир шахсга нисбатан профилактик ишлар олиб борилади. Агар шахс паспорт тизими қоидаларини бузса (масалан, рўйхатдан ўтмасдан яшаса), у билан индивидуал профилактик суҳбатлар ўтказилиши мумкин. Бу — жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан ишлашни назарда тутати. Паспорт тизими орқали бундай шахслар аниқланиб, уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ва миграция ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари ўртасидаги ҳамкорлик соҳалари:

-Миграция бўлими томонидан фуқароларнинг яшаш рухсатномалари, паспорт ва бошқа шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари расмийлаштирилиши жараёнида ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ушбу жараёнда эҳтимолий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам беришда миграция бўлими билан биргаликда ишлайди.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари билан маълумот алмашиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган омиллар аниқланади ва бартараф этилади. Масалан, ноқонуний миграция ҳолатлари ёки паспорт ёки яшаш рухсатномалари бўйича сохта ҳужжатларни тарқатиш ҳолатларини аниқлашда ҳамкорлик муҳимдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ва миграция бўлими ўртасида электрон ва бошқа шаклларда ахборот алмашиш йўлга қўйилади. Бу



жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни тез ва самарали аниқлаш ҳамда олдини олиш имконини беради.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан берилган рухсатномалар, паспортлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлиги назорат қилинишида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ёрдам беради. Паспорт тизими нафақат фуқароларнинг шахсий маълумотларини қайд этиш, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим восита сифатида хизмат қилади. У орқали шахсларнинг жойлашуви, фаолияти, ижтимоий муҳити тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳуқуқбузарликларга қарши самарали чоралар кўрилади.

Паспорт тизими — фуқароларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг яшаш жойини ҳисобга олиш ҳамда жамиятда тартиб ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий тизимдир. Шу боис, паспорт тизими қоидаларига риоя қилиш нафақат давлат идоралари, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Паспорт тизими билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси қуйидаги жиҳатлар билан аҳамиятлидир:

-Паспорт ёки идентификацияловчи ID-кارتанинг мавжудлиги ҳар бир шахснинг шахсий маълумотларини аниқлаш, унинг яшаш жойи, фуқаролик ҳолати ва ҳуқуқий мақомини белгилаш имконини беради. Агар шахслар рўйхатдан ўтмасдан ёки ҳужжатсиз яшаса, жиноятларни тергов қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш қийинлашади. Шунинг учун паспорт тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

-Паспорт тизими фуқароларнинг яшаш ва ҳаракатланиш маълумотларини тартибга солади. Бу маълумотлар орқали давлат аҳоли рўйхатини юритиш, ижтимоий хизматлар (таълим, тиббиёт, нафақа ва ҳ.к.)ни тўғри ташкил этиш имконига эга бўлади. Шу боис, паспорт тизимидаги қоидаларга риоя этиш давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлайди, профилактика чоралари эса мазкур тизимнинг барқарор ишлашига ёрдам беради.



-Паспортсиз ёки рўйхатдан ўтмасдан яшаш, бошқа шахснинг ҳужжатидан фойдаланиш ёки уни гаровга қўйиш каби ҳолатлар маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бу ҳуқуқбузарликлар фуқаролик жамиятида қонунга бўлган ҳурматни пасайтиради. Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ва махсус профилактикаси орқали фуқароларга қонун талабларини тушунтириш, ҳуқуқий онгни ошириш ва қонунга итоаткорликни шакллантириш жуда муҳимдир.

-Паспорт тизимида оид ҳуқуқбузарликлар кўпинча ноқонуний миграция, жиноятлар ёки террористик фаолиятни яшириш учун восита сифатида қўлланилиши мумкин. Шу сабабли, паспорт тизими қоидаларига амал қилиш ва уларнинг бузилишига қарши профилактик тадбирларни кучайтириш орқали давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мумкин.

-Паспорт ёки ID-картанинг йўқотилиши, унинг ғаразли мақсадда фойдаланилиши фуқароларнинг шахсий маълумотларидан суиистеъмол қилиш ҳолатларига олиб келиши мумкин. Шунинг учун профилактика тадбирлари орқали фуқароларга ҳужжатларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш маданиятини сингдириш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Паспорт тизими қоидаларининг бузилишини олдини олишда ички ишлар органларининг таянч пунктлари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари, профилактика инспекторлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим рол ўйнайди. Улар аҳоли билан бевосита иш олиб бориб, ҳуқуқбузарлик сабабларини аниқлайди, тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда ҳужжатлаштириш жараёнларини енгиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда паспорт тизими қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — фақат маъмурий жазоларни қўллаш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятда қонунга ҳурмат туйғусини кучайтириш ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли фаолиятдир. Бу соҳадаги профилактика тадбирларини



самарали ташкил этиш орқали жамиятда осойишталик, қонунийлик ва ҳуқуқий барқарорлик мустаҳкамланади.

Паспорт-виза қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактика инспектори ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

-Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 йил, ЎРҚ-371);

-“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун (2016 йил, ЎРҚ-407);

-“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун (2020 йил, ЎРҚ-610);

-Президент фармонлари ва қарорлари (жумладан, ПФ-5005, ПҚ-3126);

-Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223 ва 223¹-моддалари;

-ИИВнинг “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низоми бўлиб, ушбу ҳужжатлар профилактика инспекторининг фаолиятини, унинг ваколатлари ва масъулиятини белгилаб беради.

Паспорт-виза қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактика инспектори ишини ташкил этишнинг ташкилий асослари бўлиб,

-“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 йил, ЎРҚ-371) бўлиб, қонун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ташкилий шакллари, субъектлари ва уларнинг вазифаларини белгилайди.

-Президент Фармони — ПФ-5005 (10.04.2017 йил) мазкур фармон ИИВ тизимини қайта ташкил этиш, профилактика инспекторларининг ваколатларини аниқлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чораларни тартибга солади.

-Президент қарори — ПҚ-3126 (2017 йил)-мазкур қарор миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ишни такомиллаштириш,



профилактика инспекторларини мазкур соҳадаги ҳамкорлик тизимига жалб этишни белгилаб беради.

-ИИБ Низомлари ва буйруқлари, жумлада “Профилактика инспекторларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги ва “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисида”ги низомлар.

Паспорт-виза қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактика инспектори ишини ташкил этишнинг асосий мақсади Паспорт тизими ва фуқароликни расмийлаштириш қоидаларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва ҳуқуқий тарбия орқали фуқароларнинг қонунга итоаткорлигини ошириш, вазифалари эса паспорт ёки ID-картасиз яшаш, рўйхатдан ўтмаслик, яроқсиз ҳужжат билан яшаш ҳолатларини аниқлаш, бундай ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва бартараф этиш, фуқаролар билан профилактик ва тушунтириш суҳбатлари ўтказиш, маҳалла ва давлат органлари билан ҳамкорликда фуқароларни ҳужжатлаштиришда ёрдам бериш, такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун индивидуал профилактика ишларини ташкил этиш кабилар киради.

Паспорт тизими бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қуйидаги умумий, махсус, якка, виктимологик турларда амалга оширилади.

-Умумий профилактика- маҳаллаларда, таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида паспорт тизимига оид қоидаларни тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказиш, “Паспортсиз яшаманг!”, “ID-картангизни назоратда тутинг!” каби профилактик акциялар уюштириш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларни хабардор қилиш; Махсус профилактикада-паспорт ёки ID-картасини йўқотган, муддати ўтган ёки рўйхатдан чиқиб кетган шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан баённома тузиш, маъмурий таъсир чораларини қўллаш, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари билан назорат ва ҳисоб ишларини юритиш; Якка тартибдаги профилактика-рўйхатдан ўтмаган, паспортсиз ёки яроқсиз ҳужжат



билан яшаб келаётган шахслар билан шахсан суҳбатлар ўтказиш, ҳужжатлашиш жараёнида уларга амалий ёрдам бериш, такрор ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кузатиб бориш; Виктимологик профилактика-ҳужжатини йўқотишга мойил ёки ҳимояга муҳтож шахслар билан ишлаш, уларга шахсий хавфсизлик ва ҳужжатни муҳофаза қилиш бўйича маслаҳатлар бериш.

Ишни ташкил этишнинг амалий босқичлари бўлиб, маълумот йиғиш ва таҳлил қилиш, Миграция ва фуқаролик бўлимлари билан ҳамкорлик, жамоатчилик билан ишлаш кабиларни киритиш мумкин.

Профилактика инспекторларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш йўналишлари:

- Ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва норматив ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича- паспорт тизими, миграция ва фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш;

-Ахборот ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича- профилактика инспекторлари учун ягона электрон маълумотлар базасини яратиш (паспорт, ID-карта, рўйхатдан ўтиш маълумотлари бўйича), миграция ва фуқаролик бўлимлари билан ахборот алмашинувини рақамли платформа орқали амалга ошириш;

- Фуқаролар билан самарали профилактика ишларини йўлга қўйиш бўйича Маҳаллаларда “Паспортингни асра!”, “Қонунга итоат – хавфсизлик гарови!” каби маърифий тадбирларни ўтказиш, мигрантлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари билан мунтазам профилактика суҳбатларини ташкил этиш, ҳужжатини йўқотган ёки рўйхатдан ўтмаган шахсларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали виктимологик профилактикани кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг роли беқиёс аҳамиятга эга. Паспорт тизими ва фуқароликка оид қоидаларга риоя этилишини таъминлаш фуқароларнинг



ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Профилактика инспекторлари фаолиятида ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот-коммуникация технологияларини уйғунлаштириш орқали ҳужжатлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни камайитириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик даражасини ошириш мумкин.

Шу билан бирга, маҳалла тизими, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик орқали паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ҳужжатсиз яшаш, сохта ҳужжатлар ва ноқонуний миграция ҳолатларини олдини олиш бўйича тизимли фаолиятни йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Паспорт тизимидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш — бу фақат жазо чоралари эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий муносабатларда масъулиятни ошириш ва жамиятда осойишталик ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилган муҳим йўналишдир.

Хулоса қилиб айтганда, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг роли беқиёс аҳамиятга эга. Паспорт тизими ва фуқароликка оид қоидаларга риоя этилишини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Профилактика инспекторлари фаолиятида ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот-коммуникация технологияларини уйғунлаштириш орқали ҳужжатлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни камайитириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик даражасини ошириш мумкин. Шу билан бирга, маҳалла тизими, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик орқали паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ҳужжатсиз яшаш, сохта ҳужжатлар ва ноқонуний миграция ҳолатларини олдини олиш бўйича тизимли фаолиятни йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб



қолмоқда. Паспорт тизимидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш — бу фақат жазо чоралари эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий муносабатларда масъулиятни ошириш ва жамиятда осойишталик ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилган муҳим йўналишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юлдашев Ж. Х. *Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш*. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2022. – Б. 17–64.
2. Маматов Ш. И. Ў. *Товарларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни*. // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – № 3. – Б. 143–146.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 13.03.2020 йилдаги ЎРҚ–610-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/4761984>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5005-сон Фармони.// <https://lex.uz/docs/3159827>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3126-сон Қарори. // <https://lex.uz/docs/3266578>
6. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ–371-сон Қонуни.// <https://lex.uz/docs/2387357>



7. Паспорт қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори ўзгарди. // Kun.uz, 14.07.2025. <https://www.kun.uz/kr/news/2025/07/14/pasport-qoidalarini-buzganlik-uchun-jarimalar-miqdori-ozgardi>
8. Миграцион профилактика бўлинмалари ташкил этилмоқда. // Kun.uz, 24.01.2025. <https://kun.uz/kr/news/2025/01/24/migratsion-profilaktika-bolinmalari-tashkil-etilmoqda>
9. Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари ўтказилади.// Norma.uz. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mahallalarda_ijtimoiy_profilaktika_tadbirlari_utkaziladi
10. Kun.uz мақоласи (идентификатор: 20948768). <https://kun.uz/kr/20948768>
11. Ниматов Ш. Н. и др. Ёшлар ва хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишда норматив-ҳуқуқий асослар ва ижтимоий профилактика механизмлари //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.
12. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ ХОТИН ҚИЗЛАР ФАОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ АҲАМИЯТИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 4-10.
13. Маматов Ш. И. Ў. ТОВАРЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРИНГ ЎРНИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 143-146.